

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**137** Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтиладиган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштири- видан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1609-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ко- нунининг 6-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбо- ротномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда), Ўзбекистон Республикаси Президен- тининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тад- бирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат- лари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 370-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қаро- рига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 9-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 6 июлдаги 01-02/12-12-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Рес- публикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтиладиган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштириви-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

**10 (562)-сон**

**— 81 —**

**137-138-моддалар**

дан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомга (рўйхат рақами 1609, 2006 йил 10 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 327-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 7 февраль,  
01-02/12-15-сон